# Куч — адолатда

2012 йил,
17 февраль,
жума
№ 7 (364)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ИЖОБАТИ

## ёш авлоднинг салоҳияти, ғайрат-шижоати ва интилишларида яққол намоён бўлмоқда





**Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини, маданиятини янада ошириш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масаласига устувор аҳамият берилиб, комплекс ёндашув натижасида аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.**

Бугун юртимизда юксак технологиялар асосида фаолият юритадиган корхоналарда ёш мутахассисларимиз меҳнат қилмоқда. Болаларимизнинг мана шундай юқори малакали мутахассис бўлиб камол топишида, албатта, улар эгаллаган замонавий билим ва кўникмалар билан бир қаторда спорт билан шуғулланиб, соғлом, бақувват бўлиб ўсиб-улғайгани ҳам муҳим омил бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.





Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **бекиёс бойлик ва имкониятларга, улкан салоҳиятга эга бўлган юртимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган, барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қодир бўлган навқирон авлодни тарбияламоқчи эканмиз, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида туриши даркор.**

Ана шундай эътибор самараси ўлароқ юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш вазифалари изчил амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, бундай саъй-ҳаракатлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш имконини бераётир.

Президент Ислом Каримов раислигида 10 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

**Тадбиркорлик субъектларининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаши мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам уларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, шу билан бирга ҳуқуқларини ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, текширишлар ўтказиш чоғида тадбиркорларнинг манфаатларини таъминлаш кафолати ҳам қонунларда ўз ифодасини топган.**

*Yangi qonun mohiyati*

# Солиқ маслаҳати институти

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Табиийки, ушбу жараёнда тадбиркорлик фаолияти субъектларига солиқ қонунчилигига оид тушунтиришлар бериш, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддат ва шаклда тузиш ҳамда тегишли идораларга тақдим этиш юзасидан кўмаклашувчи махсус билим ва тажрибага эга профессионал солиқ маслаҳатчиларининг фаолият юритиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда солиқ маслаҳати институтининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ривожланган хорижий давлатлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, икки алоҳида тизим фарқланади. Булардан биринчиси давлат томонидан тартибга солиш, иккинчиси ўзини-ўзи тартибга солиш тизимидир. Давлат томонидан тартибга солиш тизимида солиқ маслаҳатлари бўйича хизматлар кўрсатишга оид ҳуқуқий муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинади. Ўзини-ўзи тартибга солиш тизимида эса, солиқ маслаҳатлари бўйича хизматлар кўрсатишга оид муносабатлар алоҳида махсус қонун билан тартибга солинмаса-да, солиқ маслаҳатчилари ихтиёрий равишда алоҳида ташкилотга бирлашиб, қонун талаби асосида фаолият юритади.

Айтиш керакки, солиқ маслаҳати институти мамлакатимиз қонунчилигига 2006 йил 21 сентябрда **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонун қабул қилиниши муносабати билан киритилган. Мазкур қонунга мувофиқ, солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти ҳисобланади.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Munosabat*

# Инсон омилига эътибор

## миллий қонунчиликдаги энг устувор тамойилдир

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки даврлариданоқ инсон омилига бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига мувофиқ равишда, бу борадаги ҳуқуқий механизмлар шакллантирилиб, улар тобора такомиллаштириб борилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Конституциямиз ва бошқа қонунларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилган алоҳида меъёрлар белгилаб қўйилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.**

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шартлиги акс эттирилган.

**«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунга кўра, фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиб, ҳар икки турдаги мурожаат ҳам бир хил аҳамиятга эга. Фуқароларнинг мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши, ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари, албатта, қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, уни қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилганида, фуқаро бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Шу ўринда ариза ва шикоятларни муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, уларни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаш ҳуқуқига эга эканини қайд этиш жоиз. Шунингдек, зарур ҳолларда мурожаат давлат органи томонидан ўша жойнинг ўзида кўриб чиқилиши таъминланиши ҳам қонун меъёрларида акс этган. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни эса, давлат идорасининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди. Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.



**(Давоми иккинчи бетда)**

*Saboq*

# Суд қарори — ижроси билан кучли

**Маълумки, мамлакатимизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил ҳолда фаолият юритади.**

Зотан, суд ҳокимиятининг асосий диққат-эътибори юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар, шунингдек, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга қаратилган. Аниқроқ қилиб айтганда, мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш фақат суд ҳокимиятининг ваколатига киради.

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 114-моддаси ва **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилганидек, **суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир ва улар томонидан ижро этилиши шарт.**

(Давоми иккинчи бетда)

**Аввало шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор ва ишбилармонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда шартномалар алоҳида ўрин тутади. Зотан, Фуқаролик қонунчилигида томонлар ўртасидаги муносабатлар шартнома билан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу эса, мажбуриятларнинг лозим даражада адо этилиши томонлар манфаатига хизмат қилишини кўрсатади.**

*Burch va mas'uliyat*

# Кредит шартномаси

## уни ўз вақтида бажармаслик қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти ривожида кредит маблағлари алоҳида аҳамиятга эга. Кредит деганда, ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар тушунилади. Бундай муносабатлар ёзма шаклда тузиладиган кредит шартномаси билан тартибга солинади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*2012-yil — «Mustahkam oila yili»*

# Соғлом оила — жамият мустаҳкамлигининг асоси

**Ҳар биримизнинг ҳаётимизда оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам уни мўътабар даргоҳ деб қадрлаймиз. Мамлакатимизда оила жамиятнинг муҳим институти сифатида мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга. Бу жараён кейинги йилларда янада улкан маъно ва мазмун касб этаётир. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.**

(Давоми учинчи бетда)



**Юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишнинг қонуний асослари яратилган. Шунингдек, ушбу қонуний асослардан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларига доир меъёрлар ҳам ўрин олган.**

*Qonun ko'magi*

# Ҳужжатлардаги аниқлик

## фаолият ривожида муҳим ўрин тутади

Айтиш керакки, соҳага оид қонунчилик ижросини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларга шартномаларни тузиш ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш адлия идоралари зиммасига юклатилган. Бу борада тизим ходимлари зарур чора-тадбирларни амалга ошираётир. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган чоралар қўлланилиши устидан доимий назорат олиб борилмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

# Ҳужжатлардаги аниқлик

## фаолият ривожида муҳим ўрин тутади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Масалан, айни нуқтаи назардан Янгиариқ тумани электр тармоқлари корхонаси фаолияти ўрганилганда, корхона билан «Олназар Ғойиб ўғли Илҳом» фермер хўжалиги ўртасида электр энергияси таъминоти бўйича тузилган шартномада электр энергияси қувватининг нархи, унинг йиллик минимал ҳажми, шартнома умумий баҳосининг неча фоизи олдиндан тўланиши белгиланмаган.

Шунингдек, «Бухороэнергомарказ» ОАЖда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар ўрганилганда, таъминотчи билан жисмоний шахслар ўртасида иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш тўғрисида тузилган шартномада «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун умумий сумманинг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлаши белгиланган бўлса-да, «Таъминотчи»га шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари бўйича мулкий жавобгарлик қайд этилмаган.

Бундан ташқари «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Олмазор тумани бошқармаси 8-сонли иссиқлик тарқатиш бўлими билан фуқаро Х.Маҳкамов ўртасида иссиқлик манбаи етказиб бериш юзасидан тузилган шартномада мулкий жавобгарлик бир томонлама, яъни жарима тўлаш мажбурияти фақатгина «Истеъмолчи»га нисбатан белгиланган бўлиб, «Хизмат кўрсатувчи»нинг мулкий жавобгарлиги кўрсатилмаган.

Ичимлик суви етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар ўрганилганда ҳам Наманган вилояти «Сувоқова» давлат корхонасининг Чуст ва Янгиқўрғон тумани филиали томонидан истеъмолчилар билан ичимлик суви етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномаларга қонунчиликка зид бўлган жавобгарлик меъёрлари киритилганлиги ҳамда Наманган тумани ва Наманган шаҳар филиали билан истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномаларда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ёритилмаганлиги аниқланди.

Аниқланган бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан адлия идоралари томонидан тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатма киритиш йўли билан жами 388 та таъсир чораси кўрилди. Натижада электр энергияси таъминоти бўйича тузилган 6 582 та, табиий газ етказиб бериш бўйича тузилган 4 324 та, иссиқлик манбаи таъминоти бўйича тузилган 1 493 та, совуқ сув таъминоти бўйича тузилган 846 та шартномадаги камчиликлар бартараф этилди.

Шунингдек, табиий газ етказиб бериш бўйича 115 нафар, иссиқлик манбаи таъминоти бўйича 8 нафар, совуқ сув таъминоти соҳаси бўйича 25 нафар масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари электр энергияси таъминоти соҳаси бўйича 4 нафар, табиий газ етказиб бериш бўйича 1 нафар, совуқ сув таъминоти бўйича 3 нафар масъул шахс лавозимидан озод этилди.

Кўриниб турибдики, белгиланган қонун-қоидаларга, жумладан, шартнома тузиш ва уни бажаришда тенглик тамойилига амал қилмаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Зотан, шартнома тарозининг икки палласидек икки томоннинг манфаатини, ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида тузилади. Қачонки, у адолатли тузилиб, рисоладагидек адо этилса, бундан икки томон ҳам манфаатдор бўлади. Шундай экан, бу борадаги қонун-қоидаларга риоя этиш зарuriятини ҳеч қачон унутмаслик керак.

**Озодбек БЕКМУРОДОВ,**
*Адлия вазирлиги шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси катта маслаҳатчиси*

---

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бундан ташқари **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги қонунда ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги ифодаланган.

Албатта, ҳар бир шикоят ва аризанинг ортида инсон тақдири туради. Шундай экан, фуқаронинг мурожаатига бефарқ қараш, лоқайд муносабатда бўлишга ҳеч бир раҳбар ёки мансабдор шахснинг ҳақи йўқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жойларда ўтказилаётган назорат-таҳлил жараёнларида фуқароларнинг мурожаатларига оид қонунлар ижроси таҳлил этилганида, эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани аниқланмоқда. Хусусан, фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтарлари талаб даражасида юритилмаётгани, юборилган ариза ва шикоятларга қонунда белгиланган муддатларда жавоб қайтарилмаётгани, уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар йўқлиги, мурожаатлар умумлаштириб, таҳлил этиб борилмаслиги каби қонунбузилиш ҳолатлари шулар жумласидандир. Шу ўринда бу каби хатти-ҳаракатларга барҳам бериш, мансабдор шахслар масъулиятини янада ошириш, соҳага оид қонунлар ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан қуйи палата қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, уларни бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар депутатларнинг доимий назоратида эканини айтиб ўтиш лозим.

Зеро, биз ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Бугун мамлакатимизда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Қолаверса, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олган бир шароитда, одамларимиз ҳам ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаолликлари тобора ошаётгани, онгу тафаккурлари юксалиб, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончлари ортиб бораётгани ҳам ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон келажаги, бахт-саодати учун деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасидир.

*Munosabat*

# Инсон омилига эътибор

## миллий қонунчиликдаги энг устувор тамойилдир



Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида** инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз стратегиясининг бош мақсадларидан бири сифатида белгилаб берилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Концепциянинг учинчи устувор йўналиши бўлган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш эса, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги қонунни қабул қилиш, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтиришга хизмат қилади.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалaмбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси тегишли идоралар билан ҳамкорликда **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва жамоатчилик экспертизасига ҳавола этди. Лойиҳада, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган қарорларининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тарқатиладиган расмий ахборотдан фойдалана олиш имкониятини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш масалалари назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ кенгашларига бевосита киришни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот ҳақидаги сўровни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби, сўровларга жавобларни тақдим этиш муддатлари, мурожаат бўйича ахборот тақдим этишни рад этиш асослари каби меъёрлар ҳам белгиланмоқдаки, бу фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиб, ўзларига зарур ахборотни ҳеч қандай монеликсиз олишлари учун қонуний асосларни яратиб беради.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг мурожаатлари соҳасидаги миллий қонунчилигимиз асослари тобора такомиллашиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, манфаатларини рўёбга чиқариш, одамларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш, пировардида, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаётимиз сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизга қанот бағишлайди.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

---

*Mezon*

# Нотариуснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда нотариат институтининг алоҳида ўрни бор. Нотариал ҳаракатлар «Нотариат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, давлат нотариал идораларининг нотариуслари томонидан амалга оширилади.**



Нотариус ўзига мурожаат қилган шахслар учун қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширади. Битимлар, шартномалар, ишончномалар лойиҳаларини тузади, уларни тасдиқлайди. Ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган шартнома ва битимларни, васиятномаларни, фуқаронинг тирик эканлиги, муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди. Шунингдек, у фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини ва ҳужжатлар тақдим этилган вақтни ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари нотариус меросга бўлган ҳуқуқ, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради. Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ёки тақиқни бекор қилади. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради. Ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди. Шу каби нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ва реестрдан кўчирмалар беради.

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ-мажбуриятларини тушунтириб бериши лозим. Томонлар тақдим этган битим лойиҳаларининг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириб бориши, битимлар мазмуни томонларнинг мақсадига мос келиш-келмаслиги, қонун талабларига тўғри ёки зид эканлигини текшириши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, нотариат институти фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари, хоҳиш-иродасини қонуний асосда рўёбга чиқаришни таъминламоқда.

**Умида МУҲАМЕДОВА,**
*Самарқанд шаҳар 12-сон давлат нотариал идораси нотариуси*

---

*Burch va mas`uliyat*

# Кредит шартномаси

## уни ўз вақтида бажармаслик қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Яна шуни айтиш керакки, Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **«Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисида»**ги қўшма қарорига кўра, кредит шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули ҳисобланган кафиллик, гаров шартномалари ва кафолатдаги тарафлар ҳамда учинчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодекси, **«Гаров тўғрисида»**ги, **«Ипотека тўғрисида»**ги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Кредит шартномаси суд тартибида тарафлардан бирининг талаби билан бошқа тараф томонидан шартнома шартлари бузилган ёки вазият жиддий ўзгарганда, шунингдек, қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Масалан, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилояти бошқармаси «Қишлоқ қурилиш банки»нинг Жиззах минтақавий филиали манфаатини кўзлаб, жавобгарлар Жиззах шаҳар «DUSWLDOR» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Аҳмедов ва З.Убайдуллаевларга нисбатан кредит шартномасини бекор қилиш ва қарзни мол-мулк ҳисобидан ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд ишни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Айтиш керакки, аниқланган ҳолатларга кўра, «DUSWLDOR» жамияти билан «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Жиззах минтақавий филиали ўртасида 113-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, ушбу шартнома бўйича жамият банкдан «АЁҚШ»ни жорий таъмирлаш учун 2 йил муддатга йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан 100 миллион сўм кредит маблағи олган. Кредит таъминотида сифатида «DUSWLDOR»га тегишли бўлган «АЁҚШ» ва З.Убайдуллаевга қарашли дам олиш ва ишлаб чиқариш мажмуаси гаровга қўйилган. Аммо банк томонидан ўтказилган мониторинг жараёнида жамиятнинг кредит маблағидан юз фоиз мақсадли фойдаланмаганлиги, мажбуриятлар ҳам бажарилмаганлиги маълум бўлди.

Кредит шартномасининг 10.1 бандига кўра, жавобгар шартнома шарти бажарилмаганлиги учун 450.000 сўм қўшимча фоиз, шартноманинг 10.2 бандига кўра, кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги учун 20 фоиз миқдорида жарима, яъни 20.000.000 сўм жарима тўлаши лозим.

Суд жамиятнинг кредитдан мақсадсиз фойдаланганлиги, асосий ва фоиз қарзларини тўламаганлиги учун кредит шартномасини бекор қилишни лозим топган.

Фуқаролик кодексининг 280-моддасида гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суд қарорига мувофиқ қондирилиши мумкин, дейилган.

Шунинг учун суд асосий қарз, ҳисобланган фоиз, қўшимча фоиз, жарима, даъвогарга юридик ёрдами учун тўланган пул, жами 126 миллион 849 минг 580 сўмга яқин маблағни банкка гаровга қўйилган «АЁҚШ» ва Зомин туманида жойлашган дам олиш ва ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобидан ундиришни лозим топди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, кредит шартномасини тузишдан кўзланган асосий мақсад — кредит берувчи ва кредит олувчининг фаолиятини янада ривожлантиришдан иборатдир. Бу имкониятдан тўғри фойдаланган тадбиркорнинг фаолияти янада ривож топишига асло шубҳа йўқ. Аммо юқоридаги каби зиммадаги масъулиятга нисбатан беписандлик пушаймонликка сабаб бўлади.

**О.НАЗАРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раисининг ўринбосари*

---

*Saboq*

# Суд қарори —

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Суд ҳужжати деганда, суд томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган суд буйруғи, ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, ҳукм тушунилади. Сир эмаски, суд ҳужжатларининг бажарилмаслиги ёки ижросини таъминлашдан бўйин товлаш, бажарилишига нисбатан тўсқинлик қилиш одил судлов нуфузига соя ташлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари тикланишига таaллуқли фаолиятга салбий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, судланувчи Рамазон Қаҳҳоров (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидалари»**нинг 4.15- ва Адлия вазирлигида 1997 йил 14 октябрда 370-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган **«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида газдан уй-рўзғорда фойдаланиш қоидалари»**нинг 18.12-бандлари талабларини бузган. Аниқроқ айтганда, у қонун талабига зид равишда юқори босимли газ қувурига ўзбошимчалик билан уланиб, уйда оҳак пишириш билан шуғулланиб келган. Бунинг оқибатида «Жиззахшаҳаргаз» филиалига 6 миллион 158 минг 592 сўмлик моддий зарар етказган. Аммо етказилган моддий зарар судланувчи томонидан қопланмаган.

Айтиш керакки, суд судланувчи Р.Қаҳҳоровга нисбатан жиноят иши юзасидан тўпланган далилларни ўрганиб чиқди, фуқаровий даъвогар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, прокурорнинг фикрини тинглаб, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олди. Шундан сўнг суд Р.Қаҳҳоровни Жиноят кодексининг $185^{2}$-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топиб, унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Шунингдек, «Жиззахшаҳаргаз» филиали фойдасига етказилган 6 миллион 158 минг 592 сўм моддий зарар судланувчи Р.Қаҳҳоровдан ундирилиши ҳукмда қайд этилди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, судланувчи Бобошер Убайдуллаев фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2010 йил 21 февралдаги суд буйруғига асосан турмуш ўртоғи Н.Қаюмованинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент пули тўлаши лозим эди. Бироқ у уч ойдан ортиқ муддат давомида 1 миллион 381 минг 260 сўм алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд ушбу ишни мазмунан кўриб чиқиб, Б.Убайдуллаев моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан уч ойдан ортиқ муддат давомида қасддан бўйин товлаганликдаги ғайриқонуний ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган, деб топди.

*Yangi qonun mohiyati*

# Солиқ маслаҳати институти

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу борадаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, солиқ маслаҳатчиларининг солиқ маслаҳати бўйича кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш мақсадида Президентимиз томонидан 2012 йилнинг 4 январида «Ўзбекистон Республикасининг **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун имзоланиб, 5 январда матбуотда эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги **«2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»**ги қарори билан тасдиқланган **«2011 — 2015 йилларда республика микромолиялаш соҳасини ва нобанк молия секторини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар»**нинг 60-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун билан амалдаги **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонунга бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Жумладан, ҳозиргача амалиётда солиқ маслаҳати бўйича хизматлар солиқ маслаҳати ташкилоти бўлмаган юридик шахслар, жумладан, адвокатлик тузилмалари (адвокатлар), аудиторлик ташкилотлари (аудиторлар) ва консалтинг ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилаётган эди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда солиқ маслаҳати хизматини аниқлаштириш мақсадида қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, қуйидагилар солиқ маслаҳати ҳисобланмайди:

- ўз ваколатларини амалга ошириш доирасида давлат солиқ хизмати органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат органлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш;
- солиқ солиш масалалари бўйича адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш;
- аудиторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг солиқ солиш бўйича консалтинг ҳамда бошқа хизматлари.

Шунингдек, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар турини янада кенгайтириш мақсадида **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонуннинг 5-моддасига солиқ маслаҳатчиларининг солиқ ҳисоботини тузишда мижоз (ишонч билдирувчи)га ёрдам кўрсатиш ҳамда солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш хизматлари солиқ маслаҳати бўйича кўрсатиладиган хизматлар туркумига киритилди.

Амалдаги қонунда солиқ маслаҳати бўйича фаолият солиқ маслаҳатини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, бироқ шартнома муносабатларини тартибга солиш қоидалари, шунингдек, шартноманинг энг муҳим шартларига нималар кириши аниқ белгиланмаганди. Бу, ўз навбатида, амалиётда солиқ маслаҳатлари бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасининг энг муҳим талабларига нисбатан турли хил ёндашувларни келтириб чиқарар эди. Буларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадида қонун **«Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома»** деб номланувчи 6[1]-модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, солиқ маслаҳатига доир фаолият солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ва мижоз ўртасида тузилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилиши ҳамда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижоз (ишонч билдирувчи) билан унинг яшаш жойи ва жойлашган еридан (почта манзилидан) қатъий назар, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Маълумки, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги **«2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, 2011 — 2012 йилларда махсус ваколатли органга солиқ маслаҳати бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида янги қонун билан **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонуннинг 7-моддасига солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи зиммасига солиқ маслаҳати бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқишни назарда тутувчи ўзгартиш киритилди.

Шунингдек, солиқ маслаҳати ташкилотлари ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан тадбиркорлик субъектларини солиқ маслаҳати хизматларидан кенг фойдаланишга жалб этиш ҳамда солиқ текширувлари пайтида улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалдаги қонуннинг **«Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳуқуқлари»** деб номланувчи 11-моддасига солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг вакили сифатида давлат солиқ хизмати органларида, шунингдек, солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш олиб бориш ҳамда солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ қўшимча ҳуқуқлар мустаҳкамланди.

Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олишга талабгорларнинг иш стажини аниқ белгилаш мақсадида **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонуннинг 16-моддасига ҳам ўзгартириш киритилиб, унга мувофиқ, солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун талабгор шахс қонунда белгиланган талаблардан ташқари олий таълим муассасасини тамомлагач, камида беш йиллик, шу жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши лозимлиги қатъий мустаҳкамланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, **«Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилиниши солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқишига, шунингдек, солиқ маслаҳати бўйича кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланувчи солиқ тўловчилар сонининг ошишига, бу эса, ўз навбатида, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш бозорининг сифат жиҳатдан янада такомиллашувига, солиқ маслаҳатчилари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг янада ривожланишига ҳамда солиқ тўловчилар, айниқса, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг солиқ соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янада кучайишига хизмат қилади.

**Улуғбек АЛОЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

*2012-yil — «Mustahkam oila yili»*

# Соғлом оила — жамият мустаҳкамлигининг асоси



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш жоизки, Оила кодексида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланиши, қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа қатор муҳим қоидалар ўз ифодасини топган. Жумладан, Оила кодексининг 4-моддасига биноан, оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясига олинган, шунингдек, оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

Соғлом оилани шакллантириш, болаларнинг туғма ва наслий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти бугунги кунда соғлом оила муҳитини яратишда ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2012 йилнинг **«Мустаҳкам оила йили»** деб эълон қилингани оила институтини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаради. Бу борада барча давлат идоралари қатори ФҲДЁ органлари олдида ҳам қатор вазифалар ва мажбуриятлар турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш талаб этилади.**

Шу муносабат билан оила қонунчилигини янада такомиллаштириш борасида баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим. Аввало шуни қайд этиш жоизки, амалдаги Оила кодексининг 15-моддасига биноан, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Мазкур меъёрни бугунги кунда дунё амалиётидан келиб чиқиб, ислоҳ этиш зарурати юзага келмоқда. Яъни никоҳ ёшини аёлларга нисбатан ҳам 18 ёш қилиб белгилаб қўйиш улар томонидан тўла муомала лаёқатига эга бўлгандан сўнг ўз тақдирини ўзи ҳал этишига, шунингдек, тўлақонли таълим олинишига шароит яратади.

Бундан ташқари оила кодексида мавжуд бўлган, аммо амалиётда етарли даражада ишлатилмаётган никоҳ шартномаси институтини янада такомиллаштириш, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда уни жорий қилишнинг аниқ механизмлари қонунчилик асосларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Мазкур механизм амалиётда никоҳ билан боғлиқ бўлган аксарият низоларни олдиндан кўра билиш ва тинч йўл билан ҳал этиш, уларни судгача ўзаро келишув орқали ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради.

Ўйлайманки, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар оила институтини мустаҳкамлашга ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Дилором ЮСУПОВА,**
*Қибрай тумани ФҲДЁ бўлими мудираси*

*Mulohaza*

# Вояга етмаганлар ҳуқуқи кафолати

## у қонунчилигимизда ўз ифодасини топган

**Халқимиз азалдан фарзанд тарбиясига, уни комил инсон қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор билан қараб келган. Мард, оқибатли, салоҳиятли, билимдон ва ҳунарли фарзандни эртанги куннинг эгаси деб билган.**



Мустақиллик йилларида халқимизга хос ана шу миллий қадриятлар ҳаётимизда яна ўзининг теран ифодасини топди. Юртимизни дунёга танитишга қодир иқтидорли фарзандларни тарбиялаш, уларга ўқиш-ўрганишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. **«Таълим тўғрисида»**ги қонун, **Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури**, соҳага оид фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши бу борада, айниқса, муҳим омил бўлаётир. Бугун мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудидаги қишлоқларда ҳам замонавий мактаб, коллеж биноларининг барпо этилаётгани, уларнинг замонавий ўқув-техника воситалари, бой кутубхоналар билан таъминлангани ёшларимизнинг чуқур билим олиши, муайян касб-кор сирларини пухта эгаллашига замин бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ёшларимизнинг мукаммал билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши ҳаётий заруратдир. Зеро, бу халқимизнинг эртанги куни учун қўйиладиган мустаҳкам пойдевордир.

Шу ўринда айтиш жоизки, юртимизда мустақиллик йилларида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки жиноят кўчасига кириб қолган айрим ёшларни тўғри ҳаётга йўналтириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли вояга етмаганлар ҳуқуқини муҳофаза қилишга жиддий эътибор берилаётир. Билиб-билмай жиноятга қўл урган ўсмирнинг қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, келгусида ҳаётда ўзининг ўрнини топишига кўмаклашишдек инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларига кенг ўрин берилмоқда.

Айниқса, вояга етмаган судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш инсонпарварликнинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин. Негаки, вояга етмаган шахсни оиласидан ажратмасдан жамоат тарбиячиси ёрдамида қайта тарбиялаш унинг келгусида тўғри йўлга тушиб олишидаги энг самарали восита саналади.

Қонунчилигимизда бу борада бир қатор мезонлар мавжуд. Масалан, вояга етмаган шахснинг жиноят ишини юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Шу каби вояга етмаган шахс ва унинг қонуний вакили ўзлари хоҳлаган ҳимоячини ишда иштирок этишга таклиф қилиши мумкин. Бундан ташқари қонун талабига кўра, вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади. Сўроқ чоғида терговчининг рухсати билан вояга етмаган шахснинг қонуний вакили, педагог ёки психолог қатнашиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 1-бандига биноан, **вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва судланувчининг шахсини эътиборга олган ҳолда аниқланган ҳақиқий ҳолатлар ва далиллар мажмуасига тўғри баҳо берилиб, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилган ҳолда қонунда кўрсатилган хусусият ва имтиёзларидан тўла фойдаланишга қаратилиши лозим**.

Жиноят кодексининг 81-моддасида **«Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас»**лиги белгилаб қўйилган. Ёки ушбу кодекснинг 85-моддасига кўра, **вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди**.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида лизинг олмоқчи эдик. Айтинг-чи, лизинг берувчи қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?***



***Ж.БЎРОНОВ,***
*Арнасой тумани*

— Қонунда белгиланганидек, лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- лизинг объектининг мақсадга мувофиқ ишлатилаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш;
- лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;
- қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш;
- лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.

Айни чоғда лизинг берувчининг зиммасида бир қатор мажбурият ҳам бор. Жумладан, лизинг берувчи:
- лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;
- лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши (Фуқаролик кодексининг 591-моддаси) лозим.

**Саволга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

# ижроси билан кучли



Унга ҳар ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Жиззах шаҳар прокурорининг даъво аризаси қаноатлантирилиб, жабрланувчи Н.Қаюмова фойдасига 1 миллион 381 минг 260 сўм қарзни ундириш ҳукмда қайд этилди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, агар суд томонидан чиқарилган ҳукм ижроси судланувчилар томонидан ўз вақтида таъминланмаса, уларга нисбатан қандай чора кўрилади?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг 41-моддасига биноан агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо муддатининг жами бўлиб учдан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан алмаштиради.

Маълумки, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахс яқинларининг моддий таъминотига муҳтож бўлади. Бинобарин, уларнинг қонуний ҳақини суд тартибида мажбуран ундириб бериш ғамхўрлик ҳисобланади. Аҳоли ижтимоий муҳофазаси устувор саналган юртимизда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу амалдаги қонунларимизда ўзининг ифодасини топган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги **«Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори 14-бандида ҳам бу ҳақда тўлиқ тушунча берилган. Пленум қарорининг ушбу бандида қайд этилганидек, Жиноят кодексининг 122-моддасига мувофиқ моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш учун маблағ тўлаш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлиб, аммо ушбу маблағ уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаса, жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Қисқаси, суд томонидан чиқарилган ҳар қандай ҳужжат ижроси билан кучли. Мамлакатимизда суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Биз юқорида уларнинг айримлари ҳақида фикр юритдик, холос. Муҳими эса, суд ҳужжати ижроси мажбурийлиги республикамизда одил судловни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш омили ҳамдир.

**Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

*Qilmish-qidirmish*

# Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

## ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурчдир

**Ҳаётда ҳар бир ишда тартиб-интизомга қатъий риоя этиш муваффақият гарови саналгани каби автомашина бошқаришда, йўлларда хоҳ йўловчи, хоҳ пиёда сифатида ҳаракатланишда ҳам белгиланган йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш турли кўнгилсизликларнинг олдини олади. Зотан, ҳайдовчининг ҳам, пиёданинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бор.**

(Давоми тўртинчи бетда)

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Шу каби вояга етмаган ўсмирга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда судланувчига шартли жазо белгилаш тартиби жорий қилинди. Бундан ташқари ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташнинг белгилангани, суд белгилаб берган шаклда вояга етмаган шахсга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятининг юклатилиши, сўмлик мол-мулкни ўмариб кетишган.

Биринчи босқич суди судланувчи Б.Холиёровни Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, унга Жиноят кодексининг 85-моддаси асосида тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади, жазонинг тарбия колонияларида ўташи белгиланди. Суд Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан Б.Холиёровга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини шар-

*Mulohaza*

# Вояга етмаганлар ҳуқуқи кафолати

## у қонунчилигимизда ўз ифодасини топган

вояга етмаган шахснинг махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши каби чора-тадбирлар ўспириннинг қалтис хатодан керакли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олишида муҳим омил саналади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, вояга етмаган Бахтиёр Холиёров (исм-фамилиялар ўзгартирилди) муқаддам Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «в» бандидаги жиноятни содир этиб, амнистия актига асосан жазодан озод қилинган. Бироқ ўзига кўрсатилган бу бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқармаган Б.Холиёров ўтган йил 26 август куни эрталаб Навоий шаҳрининг Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Н.Анноқуловага тегишли савдо дўконига ўғриликка тушган ва жами 1 миллион 266 минг сўмлик озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотларини талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Эртаси куни тунда Бахтиёр вояга етмаган Очилтош Маҳкамов билан ўзаро тил бириктирган. Бу гал улар шаҳарнинг «Халқлар дўстлиги» кўчасида жойлашган З.Санаевга тегишли савдо дўконига кириб, жами 2 миллион 722 минг тли ҳисоблаб, икки йил синов муддати белгилади.

Суд томонидан судланувчи О.Маҳкамов Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б», «в», «г» бандларида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилди ва унинг вояга етмаганлиги, муқаддам жиноят содир этмаганлиги инобатга олиниб, Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмига асосан жазодан озод қилинди. О.Маҳкамовга жабрланувчи З.Санаевдан узр сўраш мажбурияти юклатилди. Суд судланувчиларга ўзлари ўқийдиган ўқув муассасаларида жамоат тарбиячиси тайинлади.

Мухтасар қилиб айтганда, ёшлар бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг эгаларидир. Бинобарин, бугун ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар келгусида ширин мева бериши аниқ. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган мезонлар эса, ёшларимизнинг катта ҳаётдан ўз ўринларини топишида муҳим аҳамият касб этади.

**Насриддин ДАМИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси*

*Istiqlol va imkoniyat*

# Эзгу мақсадларимиз ижобати

## ёш авлоднинг салоҳияти, ғайрат-шижоати ва интилишларида яққол намоён бўлмоқда



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги **«Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»**ги ва 2004 йил 29 августдаги **«Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди. 214 объект, жумладан, 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур жамғарма ташкил топгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди. Бу эзгу ишга юртимиздаги қатор компания ва ташкилотлар, корхоналар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Йиғилишда «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзавтосаноат» компаниялари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк» каби жамғармага ҳомийлик қилишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилотлар номи алоҳида таъкидланди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори айниқса, сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медаль (60 олтин) жамғарди. Сув спорти турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз энг кўп медаль олгани алоҳида эътиборга сазовор. Масалан, қорақалпоғистонлик Абубакир Узақбаев Сингапурда академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида олтин медални қўлга киритди.

Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш футболчиларимиз кўрсатган натижа ҳам таҳсинга лойиқдир. Ўсмирлар терма жамоамиз дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси қаторида иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шунингдек, 2011 йилда моҳир спортчимиз Ришод Собиров Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга — иккинчи бор жаҳон чемпионлигига эришгани, Қаршининг «Насаф» жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогини қўлга киритгани, дзюдо бўйича мутлақ вазн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлгани бугун ўзбек спортининг нақадар ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолатдир.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётир.

Спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шуғулланишни кундалик вазифасига айлантиргани уларнинг жисмоний ҳолатига, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2005-2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин қамайди. Ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ деб топилганлар сезиларли даражада ортгани ҳам бу борадаги ишларнинг амалий натижасидир.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

**Тарихда ўзининг юксак тафаккури, ақл-заковати билан инсоният тараққиётининг илгарилашига сезиларли таъсир кўрсатган шахсларга ҳар биримиз алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараймиз. Баъзан кимгадир бундай шахсларнинг юриш-туриши, қўл силташи-ю соч тарашида ҳам ўзгача маъно бордек туюлиши мумкин. Аслида эса уларга ҳам оддий одамга хос бўлган турмушнинг қувончу ташвишлари бегона бўлмаган.**

**Қисқаси, биз бугун ҳаётда кенг фойдаланаётган электр токи ёки телефон сингари ихтиролар муаллифларининг турмуш тарзи, ҳаётий ақидаларини билиш, ўрганиш улар ҳақидаги тасаввурларимизнинг янада тўлиқроқ бўлишига хизмат қилади. Газетамизнинг «Ғаройиб олам» рукнида дунёни ақлу тафаккури билан лол қолдирган шахсларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи туркум мақолаларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Умид қиламизки, ушбу ҳаётий ҳикоялар сизларни бефарқ қолдирмайди.**

*G'aroyib olam*

# Тақдир ва тафаккур

Буюк мусаввир Леонардо да Винчи ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам илм-фан намоёндалари орасида ёрқин юлдуздек порлаб туради. Унинг юксак тафаккур маҳсули бўлмиш кашфиётлари ҳали-ҳануз илм оламида юксак қадрланади. Бундан ташқари буюк мусаввирнинг ўз даврида қоғозда қолиб кетган ихтиролари XX асрга келиб вертолёт ва планёр, пружинали механизми бўлган ўзиюрар экипаж, парашют ҳамда ўт ўчирувчилар нарвони кўринишида дунё юзини кўргани ҳам унинг иқтидори нечоғлик баланд бўлганидан дарак беради.

Бир гал Флоренция даҳшатли сув тошқини остида қолади. Мутахассислар келгусида бундай фалокатларнинг олдини олиш устида бош қотираётган бир пайтда Леонардонинг чизмасига кўзлари тушиб қолади — буни қарангки, у шаҳарни сув тошқинидан сақлаш лойиҳасини аллақачон ишлаб чиққан экан!

Аслида бўлажак олимнинг ҳаёти силлиқ кечмаган. Оддий деҳқон қизи Катерина фарзандини дунёга келтириб, ўзи оламдан ўтади. Флоренциялик нотариус Пьеро да Винчи эса, ўғлини уйига олиб келиб тарбиялайди.

Леонардо 14 ёшида тосканиялик улуғ рассом ва ҳайкалтарош Вероккиога шогирд тушди, 20 ёшида эса, уста сифатида мустақил иш бошлади. У санъат сирларини чуқур ўрганиб, тенгсиз мусаввир бўлиб етишди.

Кўпчиликнинг назарида, «Тақдирнинг эркатойи» лақабини олган Леонардо ҳамма нарсага осонгина эришгандек туюлиши мумкин. Аслида эса, у тинимсиз изланиш ва ўзига хос фидойилик билан яшарди. Бирон асарни бошлашдан аввал ўнлаб хомаки чизмалар тайёрларди. «Агар ҳамма иш осон кўринса, — дея уқтирарди ўз навбатида шогирдларига, — билингки, рассом ҳали ғўр, демак, иш унинг идроки даражасидан устунроқ».

Леонардо тасвирий санъатни бошқа барча машғулотлардан устун қўяр, шу боис ҳам умрининг ниҳоясида кўпроқ буюк мусаввир сифатида шуҳрат қозонди. Афсуски, унинг тасвирий санъатга оид ўнлаб асари бугунги кунгача етиб келмаган. Масалан, Леонардо ўсмирлик чоғлари бир қутичага қўнғиз, чигиртка, илон, сичқон, калтакесакларни солади ва уларга қараб туриб, хаёлий махлуқнинг суратини чизади. Махлуқ шу қадар қўрқинчли эдики, отаси уни кўриб ўтакаси ёрилади. Ушбу сурат ҳануз топилмаган.

Санъат тарихчиси Вазари «Одам Ато билан Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши» номли асарнинг улуғворлиги ҳақида ҳикоя қилар экан, «бу қадар мукаммалликка ҳали ҳеч ким етиша олмаган», деб ёзади. Афсуски, бу сурат ҳам йўқолган.

Флоренция кенгашининг катта залини безаши керак бўлган асарнинг қораламаси устида рассом уч йилга яқин иш олиб боради. Шу зални безатиш ҳуқуқи учун ўша даврнинг икки буюк мусаввири — 52 ёшли Леонардо билан 30 ёшли Микеланжело ўзаро баҳслашган. Замондошлари улар яратган асарларнинг қай бирини афзал кўришни билолмай боши қотган. Бироқ бу икки асар ҳам йўқолиб кетган.

Ҳа, Леонардо да Винчи тиним билмай ижод қилди. У ҳаётда кутилмаганда туғилган фикр-ғояларни, дейлик, математикага оид қайдларини қўлёзмалар ҳошиясига, ҳатто бир парча қоғозга ҳам ёзиб кетаверарди. Чизмаларни чизар экан, келгуси авлодлар улар устида бош қотириб ўтириши мумкинлигини заррача бўлсин ўйлаб ҳам кўрмасди. Масалан, бир кема суратига «шамолга қарши суза олади», деб бир оғизгина изоҳ бериб ўтилган, холос, аммо у қандай тузилгани ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Америкалик ихтирочи Роберт Фултон 1807 йили пароходни ихтиро қилади. Балки Леонардо юқоридаги кемасида Фултондан ўзиб кетгандир, лекин, афсуски, биз буни билмаймиз. Худди шунга ўхшаб, у ён дафтарида Ой фазалари ўзгаришига доир суратлар чизганини қисқача айтиб ўтган, аммо улар ҳам топилмаган.

Леонардо ер ўз ўқи атрофида айланиши ҳақида Коперникдан 40 йил олдин ёзган, биз кислород деб атайдиган «ҳаётий ҳаво» тўғрисида Лавуазедан уч аср аввал сўз юритган, камера-обскура ихтирочиси Карданодан қарийб 100 йил (камера-обскура ёпиқ қути бўлиб, унинг олдинги деворидаги кичик туйнукдан кирган ёруғлик нури орқа деворда буюмнинг тескари тасвирини ҳосил қилган; фотографияда шундан фойдаланилади), ҳаво намлигини ўлчовчи асбоб — гигрометр ихтирочиси Соссюрдан нақ 300 йилга ўзиб кетган.

Леонардо кейинчалик Паскаль кашф этган гидростатика асосларини яратишга, Галилео ихтиро қилган телескоп ғоясига ниҳоятда яқинлашиб келган эди. Америго Веспуччи берган маълумотлар асосида янги дунёнинг биринчи харитасини чизди; «оқ ранг бошқа барча ранглар мажмуасидир», дея тахмин қилди.

Мана шу кашфиёт-ихтироларнинг барчасини бир одам яратганига дафъатан кишининг ишонгиси келмайди.

Инсон умри поёнсиз эмас. Кун келиб Леонардо да Винчининг ҳам қазоси яқинлашади. Улуғ мусаввир жон бераётиб, ҳам ўзининг бетакрор одам эканини намоён қилади. У ўз ҳаёти давомида бунчалик кам иш қилгани учун одамлардан кечирим сўрайди ва ҳаётдан кўз юмади...

**Мухтабар НУСРАТОВА**

*Qilmish-qidirmish*

# Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

## ҳар биримизнинг зиммамиздаги бурчдир

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Масаланинг яна бир нозик жиҳати шундаки, йўл ҳаракатининг бир эмас, юзлаб, минглаб иштирокчиси бор, бинобарин, бир кишининг хатоси айбсиз кишиларга ҳам зарар келтириши мумкин. Чунончи, транспорт воситасини белгиланганидан юқори тезликда ёки маст ҳолатда ёхуд йўл белгиларига амал қилмасдан бошқариш турли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Маълумки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ этиш жараёнида транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ҳам изчиллик билан такомиллаштириб келинмоқда. Бу фикрнинг исботини 2011 йилнинг 26 апрелидан амалга киритилган **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ушбу қонун асосида амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ўттизга яқин моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши амалдаги йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, шу асnода фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини асрашга, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Энди фикримизни транспорт воситалари билан боғлиқ судларда мазмунан кўрилган маъмурий ишлар мисолида давом эттирсак.

Ҳуқуқбузар Алижон Бобожонов (исм-фамилиялар шартли) «Нексия» русумли автомашинани бошқараётиб, **«Йўл ҳаракати қоидалари»**нинг «Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситаси тезлигини соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишига рухсат этилади», деган талабини бузган, яъни у машина тезлигини соатига 111 километргача оширган.



Суд А.Бобожоновга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда барча эътиборга молик жиҳатларни, жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасида белгиланган жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар — муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлиги, ҳуқуқбузарлик ҳаракатига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини, шунингдек, ушбу кодекснинг 32-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олди. Ҳуқуқбузар А.Бобожонов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $128^3$-моддаси 3-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилди ва унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Энди бошқа бир мисолга эътибор беринг. Суд томонидан ҳуқуқбузар Тиловмурод Нормуродов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 1-қисмида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилган ва унга уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Айтиш керакки, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3.6-бандида **«Ҳайдовчиларга транспорт воситасини ҳар қандай мастлик (алкоголь, гиёҳванд модда ва бошқалар) ҳолатида бошқариш тақиқланади»** деган талаб белгиланган. Таассуфки, «Москвич-412» русумли автомашинани бошқараётган пайтда Т.Нормуродов маст бўлган, яъни юқоридаги талабга амал қилмаган.

Т.Нормуродов уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса, ҳуқуқбузар Эрали Қўлдошевга «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этмагани қимматга тушди. Гап шундаки, йигирма олти ёшли, ҳали оила қурмаган бу йигит транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаса-да, маст ҳолатда рулга ўтиргани боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилди ва унга нисбатан беш сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Мухтасар қилиб айтганда, йўл ҳаракати иштирокчиси тартиб-интизомга, йўл белгиларига қатъий риоя этса, бу билан энг аввало ўзининг, қолаверса, бошқаларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлайди. Аксинча, бепарволик, лоқайдлик туфайли қоидани писанд этмаслик нохушлик келтириши мумкин. Қолаверса, транспорт воситаси бошқарувчиси нафақат ўзининг, балки йўловчиларнинг ҳам хавфсизлиги учун масъул эканини асло унутмаслиги керак.

**Ҳасан МАҲМУДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани судининг раиси*

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси Шуҳрат Жалиловга отаси

**Рафи ЖАЛИЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9070.
1 2 3 4 Топшириш вақти: $20^{00}$ Топширилди: $22^{30}$